

МАЪРИФАТ



Халқ зиёлилари гузартаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 27 апрель, чоршанба

№ 22 (6609)

Баҳоси сотувда эркин нархда.

Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттераннинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони, "Олтин юлдуз" медали, "Мустақиллик" ва "Дўстлик" орденлари, "Шухрат" ва "Жасорат" медалларининг низомида ҳамда тасвирларининг лойиҳалари умумхалқ муҳокамасида.

Чет элда маориф: Америка Қўшма Штатларида таълимнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон — Франция

ШАРҚҚА КЎЧАЁТГАН ҲАЙРАТ

25 апрель куни Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран давлат ташрифи билан Тошкентга келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига ҳар икки давлат байроқлари кўтарилди. Аэропортда Франсуа Миттеран жаноблари ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий тиббослардаги қизлар меҳмонларга баҳор гулларини тақдим этдилар. Франция ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиялари янраганидан сўнг Ислоҳ Каримов ва Франсуа Миттеран миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдида ўтидилар. Автомобиллар қаровон қароргоҳ томон йўл олди. Меҳмонларни байрамона безатишга Тошкент кўчаларида минглаб шаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари оқшар билан кўтиб олдилар. Дундаги энг ривожланган давлатлардан бири — Франция раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистоннинг тобора юксалиб бораётган ҳалқаро мақомадан нишондир. Мамлакатимиз раҳбариятининг тинчликсевар ташқи сиёсати, адолатли ва демократик жамият қуришига қаратилган ички сиёсати жаҳонда катта обрў-эътибор топтоқда. Айни пайтда

Франция Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан муносабатлари янада мустақамлашга интилоқда. Ўзбекистонга Франция Президенти билан бирга бир қанча вазирлар, дипломатлар, ишбилармонлар ва маданият ходимларининг катта гуруҳи келди. Ташриф давомида иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик масалалари, минтақадаги аҳвол, экология муаммолари муҳокама қилинади. Музокаралар якунида бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Ф. Миттеранга ҳамкорлик қилаётган француз ишбилармонлари эса ўзбек ҳамкорлари билан турли соҳаларда ўзаро манfaatли алоқалар ўрнатилиши ниятдилар. Шу кун икки мамлакат раҳбарларининг якка-якка суҳбати бўлиб ўтди. Оқшоҳ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жаноб Франсуа Миттеран ва Даниель Миттеран хоним шарафига зиёfat берди. Мартабали меҳмоннинг мамлакатимиз бўйлаб расмий сафари давом этмоқда.



(ЎЗА).

Кўп асрлик тарих, теран ананаларга, миллий ва маданий бойликларга эга бўлган, инсониятнинг фахрига айланган буюк алломулар таваллуд топиб, номини жаҳонга тараннум этган Ўзбекистон бугунги кунда қайтадан эл озғига, кўрраи замин эътиборига тушмоқда. Эндилкида жаннатмакон бу дериш эшитибгина қолмай, балки бу табарук заминга қадам ранжида элиб, ҳамкорлик қилиш, баҳра соҳаларда алоқаларни мустақамлаш ниятида бўлганлар кўпаймоқда, ўз навбатида юртимиз фуқаролари ҳам ана шундай шайст, имкониятларга эга бўлидилар. Ўзбекистон — Франция. Бу икки давлатнинг ҳар бири ўз тарихига, одамларию, одатлари, алломуларю, улкан меросига эга. Тарихнинг завороти саҳифалари арақлашадан бўлса, ундаги ҳар бир битик узоқ ўтмишдан даража беради. Буюк сапнатан соҳибини, халқларамиз ва адолатпеша соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳаёти, у навабига оширган улкан ишларни ўрганиб, ўз навабига, сиёсатда қалити замон бўлса-да, одилона ҳақ берганлар ҳам фарангликлар эди. Лекин улуғ алломулар етишиб чиққан, дунёвий фанлар ривожига бебаҳо хисса қўшган, олимларга бой элини жаҳонга тараннум этиш соҳиб марказдагилар наздида ўта хавфли иш бўлиб туяларди. Ҳар ҳолда, манзил узоқ бўлса-да, диллар ошуфта, қўлларимиз ҳам бир-бирига жуда яқин эканлигини вақтининг ўзи кўрсатди.

Ойни этак билан елиб бўлмаганидек, ўртадаги тўсиқлар ҳам омонат эканлиги бугун яққол кўзга ташланмоқда. Фаранглар Ўзбекистонини, унинг замининда таваллуд топиб жаҳонга ташланган алломуларни қанчалик хуш кўрмасин, юртимиз аҳли ҳам фарангларга уллардан кам эътибор билан қараган эмас. Виктор Гюго, Онори де Балзак, Ге де Мопассан, Барбюс каби жаҳон адабиёти хазинасига ўз хиссаларини қўшган фаранг маданиятпарварларининг дурдона асарларини ўқиб, уллардан завок-шавақ олган, бу муқаддас юртин бориб кўриш шиллигини, давлатлараро маънавий ва савдо-сотик ишларини йўлга қўйишда ҳам муҳим омилига юзага келди. Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттераннинг юртимизга ташрифи ҳам алоқаларни мустақамлаш, халқлар маданияти, урф-одатларининг баҳраманд бўлишдан иборатдир. "Бизнинг ҳам, Франция Республикаси билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун Европада катта имкониятлар очиб беришга қодир, шунингдек, бу ҳамкорлик Франция давлати учун Марказий Осиё минтақасида улкан имкониятлар яратди..." Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ўтган йили ноябрь ойида Франция Президенти номидан ўтказилган расмий қабул маросимидан айтган ана шу сўзлари қисқа фурсатда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Чунки, икки

давлат ўртасида ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлиги усули юзага келди. Ишбилармонлик, савдо-сотик ва маданий, маънавий воситалар ҳам кун сайин барқарорлашмоқда. Айтиш мумкинки, ўзаро ҳамкорлик қилиш усули фақат ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик билан чекланиб қолмай таълим соҳаларида ҳам кўртак эди. Эсингиздир, ўтган йили Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари Франция таълим вазирлиги билан узоқ муддатга мўлжалланган кўп қиррали битимга имзо чекишганди. Орадан кўп ф р с а т ўтгани йўқ, лекин таълим тизимининг жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Чунки, республика мактабларида фаранс тилининг чуқурлаштириб ўрнатилгани, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасаруфиданги ўқув маркази қошида "Альяс Франс" франсуз маданий марказининг ташкили этилиши, фаранс тили фанидан республика олимпадарини ўтказишга қўрилаётган тайёргарлик, буларнинг барчаси қисқа вақт оралиғида ўзаро ҳамкорликка асосланган йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Вилотлардаги илмгоҳлар қаторида Тошкент шаҳридаги 51-ўрта мактабда фаранс тилини чуқурлаштириб ўрганишни синфларнинг юзага келиши, шунингдек, илмгоҳда ўрганилаётган тилга доир махсус

бурчак ва Франция маданияти, урф-одати, табиий иқлимий акс эттирувчи музейнинг барпо этилиши ҳам юртимизда фарангликларга нисбатан ҳурмат, улар урф-одатлари қизиқининг бир кўринишидир. Бўғина эмас, А. Авлоний номлидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ва вилот малака ошириш институтида фаранг тилига бағишланган семинар-кенгашларнинг ўтилаётганлиги, шунингдек, бир гуруҳ фаранг тили мутахассислари тажриба алмаштириш учун Франция сафарида ҳозирлик қўраётганлиги, Франция маданий маркази ташаббус билан бадий адабиётлар кўргазмасининг ташкили этилганлиги, деворий газета, суратлар мажмуаси... буларнинг барчаси қисқа даврда шаклланди ва кенг қўлчолмоқда. Эндилкида ҳамкорлик истиқболини ўз қўлига олган Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги франсуз тилида янги дарслик ва дастурлар яратиш масаласида ҳам муҳим ишларни амалга оширмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳамкорликда бошланган ҳайри иш алпаққонч ўз самарасини бера болади. Ҳа, Ўзбекистон — Франция давлатлари ўртасидаги ўзаро ақинлик, ҳамдўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталари мустақам болгани билан боғлиқ.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ. СУРАТДА: кўтиб олиш пайти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ РЕСПУБЛИКА "МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ" ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилининг ҳисобига олган ҳолда, умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги фикр-мулоҳазаларини ва тақлифларини эътиборга олиб республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкили этилсин. 2. Марказнинг самарали фаолияти ва ўз мақсади йўлидаги вазифаларни изчил бажариш учун, миллий тафаккурни ривожлантириш, маънавият ва маърифатни янада камол топтиришга қўмақлаштириш ниятида, унга 6-8 босма тобоб ҳажмида "Тафаккур" номига журналини чоп этиш, ноширлик ишларини юритиш ҳуқуқи берилсин. 3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари марказни ва унинг жойлашган таркибий тузилмаларини ташкили этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсинлар. 4. Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) ва бошқа тегишли ташкилотлар марказни ҳамда журнал таҳририятини асосий фаолияти учун зарур бўлган маблағ, ашё ва жиҳозлар билан таъминласинлар. 5. Вазирлар Маҳкамаси "Маънавият ва маърифат" марказининг ишларига тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз қарорини қабул қилсин. 6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Фозилбеков) марказни ва унинг журнали таҳририятини Тошкент шаҳри, Отатурк кўчасидаги 24-бинога жойлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 апрель

САНЪАТ БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Қашқадарё вилот халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан вилотнинг 70 йиллигига бағишлаб, мактаб ўқувчиларининг "Санъат байрами — 94" кўрик-танлови ўтказилди. Танловда 1500 ўқувчи иштирок этди. Уларнинг маҳоратлари 5 жанр бўйича баҳоланди. Халқ таълими бўлимининг бўйича 1-ўринни Яққоб тўманли қўлга киритди. 2-ўрин Қарши шаҳрига, 3-ўрин Гўзур туманига насиб этди. Гойибларга дипломлар ва пул мукофотлари тошширилди. Жанрлар бўйича қўлиб бўлган 9 жамоа ҳам 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Вилот ешлар кўмитасининг 50 минг сўмлик пул мукофоти Қамашни туманидаги 6-болалар уйи тарбияланувчиларига берилди. 47 ўқувчи эса вилот маданият бошқармаси, халқ таълими бошқармаси, вилот ешлар кўмитаси, халқ таълими ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилот кўмитасининг дипломлари, фахрий ериқларига сазовор бўлидилар.

Ж. ЖИЛОВОВ, вилот халқ таълими бошқармаси бошлигининг муовини.

БИРИНЧИ ЎРИН — ТАРИХ МУАЛЛИМАСИГА

Куни кеча Бектемир туманидаги 290-мактабда "Йил ўқитувчиси — 94" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда туман умумтаълим мактабларидан саралаб олинган 9 нафар ўқитувчи дарс ўтиш, ҳар хил вазиятдан чиқиб кетиш борасидаги санъатларини намойиш этди. Биринчи ўрин ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра 293-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Екутой Екубовага берилди. Гойибга юз минг сўм пул мукофоти, туман халқ таълими бўлимининг фахрий ериғи ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Иккинчи ўрин шу мактабнинг физика фани муаллимаси Малика Йўлдошевага насиб этди. У ҳам хизматларига яраша тақдирланди. Кўрик-танловда ўз мукофотлари билан қатнашган ташкилотлар иштирокчилари ҳам қайт этиб ўтмоқ керак. Масалан, "Уйғониш" жамияти раиси муовини П.Ким кўрик-танловнинг ҳар бир иштирокчисига жамият томонидан ажратилган совғаларни қўлга этди.

У. УСМОНОВ.

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

"Давлат тили тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни халқ таълими вазирининг ўринбосари Б. Қодиров очди ва "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш борасида адо этилаётган ишлар, талдаги вазифалар тўғрисида гапирди. Шундан сўнг республика ўқув-методика маркази директори Ш. Шомансуровнинг "Ўқишлар рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган таълим муассасаларининг ўқув-методик адабиёт билан таъминланиши" мавзусидаги ахбороти тингланди. Нотиқ мазкур ахборотда таълим-тарбия рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ҳамда мактабга тарабия муассасалари учун ўзбек тилида чиқаятган дастур ва дарсликларнинг адади ва улари бўлган эҳтиёжнинг бандлигига тўхталиб, бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари, мавжуд дарсликларни тақомиллаштириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бўлими ва бошқармаларининг бошлиқлари, ишчи гуруҳининг аъзолари иштирок этдилар.



Асрларнинг ҳам, дақиқаларнинг ҳам ўз кадри, ўз вази бўлади. Ҳамма нарсани яратувчи, одил баҳоловчи вақт эса ҳамма нарсасига ўргатади. Айтилик, у кўз ешинини оқизиши мумкин ва ўзи оқизган ешларни яна ўзи артиб ҳам қўйиши мумкин. Ҳақиқий ижодкор эса вақт мўъжизаларини тан олади, дамларнинг юки қай даражадалигини ҳис қилади. Ҳар фаннинг ўз кўнгли борлигини дилдан англайди ва тинглайди. Шундай ижодкорлардан бири сеvimли езувчимиз Пиримқул Қодировдир. Жумҳурият ўқитувчилар уйда ўтказилган учрашууда Пиримқул Қодировнинг мухлислари, мактаб ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари асрларнинг ҳам, дақиқаларнинг ҳам ўз кадри ва вази борлигига ишондилар. Вақтининг одил ҳакам эканлигини дилдан тан олдилар. Рангбаранг кашфиётлари билан борлиқни забт этувчи, инсон фаолиятини ўн қарра ошириш учун унга қанот берувчи фан, бизимлар хазинаси асримизнинг мўъжизаси эканлигига ҳавасландилар. Табиат, жамият мўъжизаларини ноқий илғай оладиган маърифатли езувчимиздан ўзига хос сабоқ олдилар. Пиримқул Қодиров, хоҳ тарихий мавзуда

Очиқ мулоқот

«БОЛАЛИКДА ДАРАХТЛАР ҲАМ КАТТА КЎРИНАДИ...»

бўлсин, хоҳ замонавий услубда езган асарлари билан эл меҳрини қозона олди. Публицистик чиқишлари билан инсон ҳаётининг кадр-қиммати бекиес э к а н л и г и н и одамларга тушунарли бўлсин. хоҳ замонавий услубда езган асарлари билан эл меҳрини қозона олди. Публицистик чиқишлари билан инсон ҳаётининг кадр-қиммати бекиес э к а н л и г и н и одамларга тушунарли бўлсин.

"Алишер Навоий" романига қўл урди. Демак, унинг бутун ҳаётида Навоий ўзига хос ўрин тутиб келди. Сизни эса Бобур олами қизиқтиргани сир эмас. Бобур ҳақида турли жанрларда турли асарлар яратдингиз. Аммо "Бобур" романингиз сизни чиндан ҳам эларга машҳур қилди. Халқчил, халол езувчи эканлигингизни тан олдириди. Нега айнан Бобурни ўз ҳаёти ижодингизнинг мазмуни деб, биддингиз? Ўқитувчиларнинг бу саволига Пиримқул Қодиров тўққиланлиб шундай жавоб қилди: — Тўғри илгабсиз, бундан бошимни кўкларга етказдингиз. Демак, озми-кўпми бобомиз Бобур олдидаги бурчимни адо қилибман. Мен бу асарни езишга қўл урганимда жуда кўп хаяжонга берилдим. Бир неча марта ўзимдан ҳам, езганларимдан ҳам кечдим. Чунки тушларимда Бобур руҳи мени тинч қўймади. У билан бир неча марта кучоқлашиб кўришдим. Бир неча марта буюк сиймо мендан нари ҳам кетди. Шундай дамларда беҳтиер қўлемагани қайта таҳрир қилишга, кўп қисмидан вез кечишга ўтирардим. Азиз руҳлар олдида, пок сиймо қаршисида елгонларга берилмаслик керак, деб тарихга шўнгирдим. Ўзим Тожикистоннинг Ўратепа туманидаги Кенгқўл деган қишлоқда 1928 йилда туғилганман. Болалигимда мол боқиб, кенгликларда кезиб юрганман. Тушларим, хаелларим бисер эди. Болаликда дарахтлар ҳам катта кўринади. Лекин болаликда кўрилган тушларга ишонмай бўлмайди... Пиримқул Қодиров шу кун и устозлари, шероғдлари хусусида ҳам тўхталиб, истеъдод мерос бўлиб ўтмайди, балки тинимсиз меҳнат,



изланишлар натижасида улгайди, деб ишонтирди: "Эсингизда бўлса керак, болалигимизда Криловнинг "Бўри билан қўзичоқ" масалини ўқиб, улгайдик. Бу асар даврга уйғун эди. Яъни ўзингизга маълум, "шундай қилиб кўзичоқни бўри еди ўрмонда". Чунки уни ейиши керак эди... Бундан бошқа иложи ҳам йўқ эди унинг! Биз ўқиган дарсликлардаги Лев Толстой ва Пушкидан танланган бандлар ҳам эсда қоладиган, хаяжонли ҳолатлардир. Бу билан мен дарсликларга езувчи асарлардан боллар танланаётганда воқеабанд ҳолатларни олиш керак дейман. Бу билан езувчи маҳоратини кўрсатиш мумкин. Дарслик яратилди деб қараб турмайлик. Уни ишлаш, изланиш натижасида тақомиллаштириб борайлик..." Пиримқул Қодиров билан бўлган учрашувни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Ганиевич Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Таниқли шоир Мухаммад Али адибнинг ижоди ва ҳаёти ҳақида сўзлади, очик мулоқотни савол-жавоблар асосида олиб борди.

У. АБДУЗИМОВА.

Спорт

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Гулистон шаҳридаги истироҳат боғининг яшил театрида 22 апрель кuni бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рискиев соврини учун республика мактаб ўқувчилари мусобақалари бошланди.

Тантананинг бошланиши маросимини кириш сўзи билан очган республика бокс федерацияси вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мастери А. Н. Кочевасов ёш спортчиларни самимий кутди.

Ташкилий қўмита расми, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.А. Ғулмова республикада спортнинг барча турлари қатори боксга катта эътибор берилганлигини таъкидлаб, жаҳон чемпиони Руфат Рискиев соврини учун ўтказилаётган мусобақа спортимиз шарафини ёқлайдиган моҳир ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлади деб ишонч билдирди ва қизгин курашларда ўқувчиларга омад тилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов, Меҳнат резервлари кўнгилли спорт жамияти раисининг муовини Исоқ Холмуқов билан суҳбатлашиб, олти кун давом этадиган спорт мусобақаларини ушшоқлик билан ўтказиш учун яхши шарт-шароитлар яратилганига ишонч хосил қилди.

Чарм кўпюк мусобақаси, совриндорлари 27 апрель кuni маълум бўлади.

Ғ. МАННОПОВ, махсус мухбиримиз.



Истиқдол гулгунчалари.

Синфдан ташқари машғулотларда ҚЎШИҚЛАР ЖОЗИБАСИ

Халқ қўшиқлари ўзининг ҳаётийлиги, соддалиги билан кишилар эътиборини тортади. Биз уларни тўғрақ машғулотларда ўрганишга жазм қилдик. Мусиқа тўғрагимиз дастурига кўра мақом, фольклор, яқка қўшиқчилик гуруҳларида иш олиб бориш жараёнида муайян тажриба тўпланди.

Ўқувчилар айтишув, мақом, ўзбек халқ қўшиқларини севиб куйлашмоқда.

Санъат илосмандлари қадим замонларда яратилган ва турли маросимларда куйланган қўшиқлар билан бирга касб-ҳунарга доир қўшиқларни ёқтиришди.

Бунга "Чарх қўшиғи", "Халложи қўшиғи"ни мисол келтириш мумкин.

"Қашта тикиш" қўшиғи ҳам жозибаси билан эътиборга лойиқ. Икки қиз қашта тикиб қўшиқ куйлайди:

Қашта тикиди санам,

Улар энди танам,

Тикмай десам уришар

Уйда турган энам.

Илма тикиди илб-илб,

Тошошни ҳамма қилб,

Раҳмат-дейдди кўрган киши

Хар гулимга ҳайрон қолб.

Бадий ҳаваскорлик тўғрагимизда ўқувчилар "Урчуқ", "Дўппи тикиш", "Тўн бичиш ва тикиш" сингари қўшиқларни завок-шавақ билан куйлашади.

Кундалик ҳаётимизда кўриб турган нарсаларимиз ҳақида қўшиқ куйлаш ўқувчиларнинг маънавий дунесини бойитмоқда.

Халқ қўшиқларининг турлари кўп: меҳнат

қўшиқлари, мавсум қўшиқлари, маросим қўшиқлари, ялла, ишқий-лирик қўшиқлар, ер-ер, ҳақрамонлик қўшиқлари...

Фольклор гуруҳи дастурида халқ қўшиқларидан унумли фойдаланиб келинмоқда. Ўқувчилар бу қўшиқларни тез-тез эди олиб, ўзини ҳаракатлари асосида ижро этишади. Мактабнинг истеъдодли ўқувчиларидан сараланган "Чашма" дастаси аъзолари "Чаманда гул зор-зор", "Омон ер", "Қизгина", "Ер, ер, ероней", "Нима, нима дейсиз", "Хо, ялли, ялли, ялли" ва ҳоказо наҳзорати қўшиқларини қизик билан куйлашмоқда.

Санъат даргоҳи кент ва қишлоқларда. Унга шайдо бўлган киши ҳеч қачон завоқ кўрмайдди. Аксинча, инсонга нафис ҳис-туйғулар берувчи, қавол билди ошно қилувчи санъат маънавий чамшадир.

Миллий мактаблар яратиб бурсасида миллий куй ва қўшиқларни, лапарларни, унуман, халқ озгани жоднинг ноидр намуналарини ўрганиш ҳар бир киши учун фарздор. Биз шунинг ҳисобига олган ҳолда тўғрақ машғулотларимизнинг муваффақиятини бойитиш устида тинмай иш олиб бораётимиз.

Синфдан ташқари машғулотларимиз самарадорлигини оширишимиз учун мутахассислар миллий мактаб мусиқа дастурларини тазорқ яратиб беришга, айни мuddао бўлур эди.


Дилбар КЕНЖАЕВА, Қарши туманидаги М. Бекбудий номдаги 10-ўрта мактабнинг мусиқа ўқитувчиси.

Қутлаймиз

Севимли шoirимиз Абдула ОРИПОВ!


Қутлур 53 ёшнинг ҳамда баҳор байрами билан Сизни муборакбод этамиз. Адабиёт оламини тўлдириб, биз мухлисларингизни ҳамisha маънавий бойитиб юринингизга тилашмоқимиз.

Қамолит ҳитиром ила юртдошларингиз — Косон туманидаги А.Навоий номдаги мактаб жамoаси.



Хурматли Ортиқбой УСМОНОВ! Сизни муборак эллик ёшингиз, педагогик фаолиятингизнинг йигирма беш йиллиги билан қизгин қутлаймиз. Тилагимиз, доимо жамoамиз сафини тўлдириб юраверинг.

Челак туманидаги 16-мактаб жамoаси.



Азиз отажонимиз Собирхон ИСЛОМОВ!

Ўттиз беш йилдирки, Чуст туманидаги 16-мактабда ешларга химия-биология сирларини ўргатиб келасиз.


Таваллуд топганингизнинг муборак 60 йиллиги билан чин кўнгилдан табриқлаймиз.

Фарзандларингиз: Раҳима, Ҳанифа, Ҳамид, Ботир, Олим, Сойиб, Алихонлар.



Мухтарам Кўчқорали ТУСНАЗАРОВ!

Улуғ шодиена кун — таваллудингиз муносабати билан Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги маорифчилар ҳамда фарзандларингиз Сизни муборакбод этади.



Хурматли Шарофат БОБОЕВА!

Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан табриқлаймиз. Оилавий ҳаётингизга бахт-саодат тилаймиз. Ўзингиздан табассум ҳеч қачон аримасин. Қувонч ва шодлик абадий ҳамроҳингиз бўлсин.

Қарши тумани халқ таълими бўлими касаба уюшмаси.




Хурматли Мажд БОБОМУРОДОВ!

Ўттиз йилдирки, Яқкабў туманидаги 4-мактабда ешларга тил ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келасиз.

Улуғ айём — туғилган кунингизга 50 йил тўлиши муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Доимо соғ-саломат, оиламизга бош бўлиб юринг.

Фарзандларингиз: Шавкат, Озода, Гулжаҳон, Барно, Шерзод, Жавлон, Алишер, Аббор.



Усмир ва қонун

ҚАРОҚЧИ ҚИЗЛАР

Уша кuni икки дугона, икки бекорчи — Ильмира билан Флора то тушгача еибонлаб олиб, мўмай пул топининг йўларини қилдиришди.

— Кел, ахписи, ҳар кунчи шу муаммони ўйлайвермай, кетворган бойвачча йигитлардан бирини ўзингизга доимий "ҳомий" қилиб оламиз, — деди Флора худди оламшумул фикр айтгандай хурсанд бўлиб.

— Э, қўйсан-чи, ҳозир сен айтган унақа жентельменлар анқонинг уруғи, — ҳафсаласи пир бўлиб кўл силтади Ильмира. Кейин қўлиб қўйди. — Қолаверса, доимо кимингизди қошқовонга қараб ишпа менга тўғри келмайди.

Бу вақтда телевизорда "Видео -О" кўрсатуви бошланган, ўн беш-йигирма чоғли чапдаст йигитларни уриб-суриб, полицияга тутқич бермай, йирик-йирик банкларига ўмариб

юрган оёқ-қўли қаққонгина қиз ҳақида бадий фильм кетарди. Бир маҳал Ильмира сакраб турди-да, "Кетдик, тур тезорқ, миямга зўр фикр келди", деб қолди. Дугонаси ҳеч нарсани тўшунмас-да, унга эришди.

Улар то Яқкасарой тумани савдо марказига етиб келгуларича галлашмадилар. Бир-бирларига маъноли қараб, кечаси нотаниш "дўстлари" қолдирган "Кент" сигаретининг сунгги доналарини чекиб келишди. Охири Ильмира дупонасига еришди:

— Биласанми, шаҳарда нима кўп? Институтлар! Ҳўш, у ерда кимлар ўқийди? Ассосан вилотлардан келганлар. Ораларида қишлоқчи қизлар ҳам кўп. Улар доимо трамвай е троллейбусда юришади. Биз ўшаларни тунаймиз. Муҳими, ўзингизни дадил тут. Нимжонгина бўлсақ ҳам сир-бой

бермаслигимиз лозим.

Улар 13-троллейбусга чиқиб икки-уч бекат юришгач, олдинда хаёл суриб келаётган, ювошгина кўринган қизга ақиллашдилар. Троллейбусда одам тирбанд. Бировнинг биров билан иш йўқ. Ильмира "қишлоқчи қиз"нинг чап бикинига ничоқ тираб: "Дамингни чиқарма", — дегандай ишора қилди. Флора ҳам фурсатни бой бермади. "Биз билан ҳазиллашма, чувива. Сенга ўхшаган пандавакиларнинг кўпини кўрганмиз", — деб қизнинг тилга узук таққан қўлини қайирди.

Троллейбус бекатга яқинлашаркан, Ильмира дўқ-пўлисага ўтди: "Қани, бўйинингдаги дурни еч!" "Тезорқ қимирла, нима эшитмайсанми?" — қўшмача қилди Флора. Бироқ қиз улар ўйлаганчалик "қишлоқчи" эмас экан. Талабга жавобан "Ҳа, натқасан!" деб ўқрайди. Нима галлигини тўшунмаган, қушқундузи қизлар бундай ишга қўл уришини хаёлларига ҳам келтирмаган йўловчилар уларга ҳайрон бўлиб қарай қўйишарди.

Дугоналар кўрдими, аҳвол чаток. Пичоқчани қизнинг бикинига ниқтай-ниқтай бекатда бирга

Болшини умровга тортиб, "Олдий Мария"ни кўриб етудим. Айовнда бир нима тарақлаб кетди. Худди машналар тўқнашгандай турсиллаган, кейин чинқирқ овоз келди. Э, манга нима, деб автаверсамку, олам гулистон. Нима экан-а, деб мундоқ қараган эдим, пешанамни дераса раҳига уриб олдим. Бошим ерилмади, аммо эс-хушимдан жудо бўлдим. Э, тавба, жуда галати бўларкан одам. Кимман, нимаман, қаердаман - вообше билимаман. Худди асир тушган саллотдай анграиб турган эдим, ташқаридан аёл кишининг шангиллаган овози эшитилди:

— Дадаси, гўшта пул беринг, қўшнимиз букасини сўйибди. "Дадаси" ким экан, дея у ёқ-ёқ екка алағландим, аммо ўзиндан бошқа ҳеч ким кўринмади. Сал ўтмай эл киши очилди, остонада аёл киши кўринди.

— Дадаси, сизга айтганман, сал кимирласангиз-чи, хали замон гўшт тугайди.

— Кеңирасиз, — дедим унга хайратомуз тикилиб, — сиз... халиги менга галирайсизми?

Кўриниши бийойдек бўлса ҳам, жа бобилганлар хотин экан.

— Вой, сизларга тилларингизга... Сизга бўлмай хўзининг қулогини? Туринг ўринингиздан, ана, Мария савил колтур ҳам тугайди.

— Мен хозиргина хўшимни йўқотдим. Сиз ўзи кимсиз, нега менга бунақа муомала қиласиз? — дедим ҳамон ўзимни босиб. Уйда хотиним шунақа деса борми, тилини шартта...

— Э, жинни-пинни бўлганмизми? Жинликка ҳам талаат керак! Э, белингиз яна кўсов тилаб қолдингиз? — Аёл паққос туюқиб кетди.

— Хой, менга қаранг, — дедим ачғиним чиқиб, — бунақа муомалага ўрганмаганман. Менга удағайлашга ҳақингиз йўқ. Иннакейин, мен ўзи кимман, қаердаман, айтиб беролмайсизми? Сиз билан ади-бади айтишиб ўтиргандан кўра уйга кетсам бўлармиди.

Хотин киши бўлса ҳам, асаби чаток экан. "Қаердалигингизни айтиб берайми, фалон жойдасиз, билдингиз", деса бўлади.

— Э, озгинингиз юминг-е, шунақа ярамас сўзларни айтишга уялмайсизми? — дедим. — Ундан кўра, билсангиз, исмининг айтинг.

— Исмингиз Кийм куруқ, — деди у томдан тараша тушгандай.

— Ростадими? Бунақа совуқ исми умиримда биринчи эшитишим.

Аёл аввалдига "Ҳа, исмингиз жимсингизга жуда мос", деди, кейин кўларимга тикилиб қолди бирдангиза бошини чангаллаб "Вой, шўрим", деб юборди.

— Тинчликми, опажон, — дедим шовиб. У менга шартта қушоқлаб олди. Нотаниш аёл, одам галати бўлиб кетаркан. Уввос солиб йитлаганча: "Ақдан оёйсиз, дадаси. Э, худю, энди нима қиламан? Ҳамасанга манави манжаляки Мария сабабчи", деди нукул.

Нима бўлаётганини тўшунмасам-да, бечорага раҳиман келиб кетди. Сал бўшадим. Кўзларига тикилдим. Сочларини силдим. Қаршилик

кўрсатмади. — Танишиб оласак бўлармиди... — Бемалол, — деди аёл худди шунга кутиб тургандай. — Менинг исим нима эди? — Кийм куруқ. — Сизники-чи? — Мария, Мария Лопес. — Ажаойиб исм экан. Бунақаси бизда камдан-кам учрайди. — Шу кино савилни кўрманг, деб сизга неча бор айтдим. Мана оқибати. Гирт тентак бўлиб ўтирисиз-а. — Жа унчалик эмасдир. — Унчалик ҳам гапми. Йигирма йиллик хотинингизман, ахир. — Қўйинг бунақа гапларни, одамни хижолат қилманг...

— Ана холос, хой, Киймхон ака, менга уйланганингизни, тўйимизни ҳам эслай олдмайсизми? — Канақа гўй, Мария пес? — Пес эмас, Ло-пес. Хай, гўй эсингиздан чиқибди дейлик, туринган кунимда совга қилган сопол лаганини эсларсиз?

Энасам қотди. "Тапингиз рост бўлса, ўша лаганини кўрсатинг", дедим. У, худди кўлга тушгандай, чуқур уфқ торди.

— Вот, дедим сал жонланиб, — кинигир ишингиз кийини чиқдим-чиқди. — Дадам тўйимизга кўшган гунажини киморга ютазганингизда бошингизга уриб чилларини қилганман.

— Кўринишингиздан туппа-тузуқ аёлга ўхшайсиз, — дедим суҳбатга жун ясангандай бўлиб, — бир пиела сув беринг, томоғим қақраб кетди.

Аёл киминдир қақра бошлади. — Хой, Тўхтамурод, бақча қара, даланга сув олиб кел, бечорани жин чалиб кетибди.

Тўхтамуроди ким бўлдикин, деб турсам, нова бир-бала илжайиб сув кўтариб келаяпти. Мулоқимга қилиб салом беришини айтмайсизми.

Қўлдан пилани олиб сувни ичдим. "Раҳмат, ука, умрингдан барака топ", дедим. У "вахх-вахх", деб кулиб юборди.

— Хе, нимага куласан? — дедим. — Дада, — деди ишайиб, — коммерческияга шим келибди. Арзон, юз етмишка беради. Узиям, вешмисан — веш. Пулдан чўзинг.

— Хой, менга қара, бола, — дедим жаҳлим чиқиб, — сан ўзи қанақа кунги гапларингиз эсингиздан чиқмагандир? Белигисий палтони айтаман-да...

Хонага Мария Лопес кириб келдию Олмаҳоннинг жағи тинди. — Энди нима қиламиз, қўшни? — Нима қиларингиз, дўхтирларга хабар бериш керак. Экстрасенс топиш керак. Уқитиш керак, чилесин қилиш

шундай деди: — Бунақа қизларни биринчи кўришим. Агар милиция ҳодимлари келиб, ажратиб олишмаганида, уларни бундан ҳам бешбаттар ахволга солардим...

Терговчининг хонасига Ильмира ва Флорага шундай савол бердим: — Сизларни бу йўлга киришга нима мажбур қилди?

Улар саволимини жавобсиз қолдиришди. Аммо бошқа бир нарсани рўй-рост тан олишди: — Ўзи бўш-баев кўрinsa ҳам қўли жуда қаттиқ экан. Ҳар тарсаки туширгананда, қўлоқларимиз шангиллаб, бошимиз ганиб қолди.

Қишлоқ ҳавосини симириб воёга етган, меҳнатда тобланган синглимизга ўқилларида муваффақиятлар тилаб хайрлашдик. Қанидиги, бошқа қизларимиз ҳам шундай дадил-журятли бўлсалар, керакли вақтда ўзларни ўзлари химоя қила олсалар, дея орзу қилдик.

Мирзарахим МАМАЖОНОВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

Керак. Ҳеч бўлмаса, ўглини эслаб қолар... Кечга яқин экстрасенс келди. Стулга ўтказиб атрофимда гир айланди, ақалдай алмойи-алжойи ҳаракатлар қилади. Ҳар замон-ҳар замонда "Бир нима сезаялманг?" деб сўрайди. "Ҳа, сезаялманг", дейман. "Нимани сезаялсангиз?" "Озингиздан қўланса хид келаяпти, иложи бўлса, сал нарироқ турсангиз..."

Бечора кўп уринди. Аммо фойдаси бўлмади. Айтишчи, ахволим оғир эмиш. Кечга яқин уэр сўраб, шумшайиб чиқиб кетди.

Тонготор пайти кўча тарафдан аллакмининг буйиқ овози келди: — Мулла Кийм, хо, мулла Кийм! Кимирламай етавердим. Кечадан бери "хотинингизман" деб бошимни қотираётган аёл оишхонадан туриб бақирди:

— Жинни бўлинг, эви билан бўлинг-да, ошга чакришяпти. Қулогингиз хозирга жойида шекилли.

Хотирамдан ажраган бўлсам-да қулоқ ҳақидаги гап сал ботиб кетди. Шарпта туриб ховинга чиқдим. Вой-вой, ўзиям иксамт бир жой экан. Ховинга қараб бўлмайди. Эркаги борми бу ховлининг дейман гашим келиб.

Дарвозани очиб қарасам, битта таскари ишайиб турибди. Хе йўқ, бе йўқ, нима дейди денг.

— Хе, ул-е, Кийм куруқ, шу чоқкача наҳс босиб етисанми? Тез бул, ошдан кел қоламиз.

— Менга қара, таскара, — дедим қолларимни чимириб, — нималар деб валдираясан, хозир катта холонинг кўрсатиб қўяман, бориб бирга ош ейсанлар.

Таскаранинг кўзлари ола-қула бўлиб кетди. — Вой, аблаҳ-ей, сен хали менга, махаллақўмга шу гапни айтаясанми, де падиарингиз...

Мария Лопес чиқиб қолди. Таскаранинг қулогига бир нималар деб пичирлаган эди, у "Ие, шунақами?" дедю жуфтгани ростлади.

Унга кирдик. Аввалига у менга анча тикилиб қолди. Кейин мен ҳам эмдан кўз қиримни ташладим. Емон эмас. Бийойдек. Айлангирсамкиман-а? Таваяқил, дедим-да хушомадга ўтдим: — Чиройли экансиз...

Галим екиб тушди шекилли, у бирдангиза очилиб кетди: — Шунақа денг, шунча вақт сезмаганмидингиз?

— Сезимим мумкин эди, — дедим суҳбатимизнинг бу қадар тез қувовиш кетишидан сал шовшандай бўлиб, — аммо, сиз, халиги, ҳадеб "хотинингизман, хотинингизман", девверганингиздан кейин, одам йиманар экан.

— Сиз ҳам емон эмассиз, — у шундай деди-да, сузланиш Олмаҳонга ўхшаб олдимга ақиллашди.

— Эшинки епангисим, — дедим хажжонимни зўрга босиб. — Иккимиздан бошқа уйда ҳеч зор йўқ, ўғлим мактабда, — деди Мария Лопес.

Бегона аёлни мажбуран бағримга босдим.

КЕСМА ҲАРФЛАР

1995 ўқув йилидан эйтиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси бўйича машғулотлар ўтказила бошланди, қолган синфларда эса факультатив машғулотлар ташкил этилади. Шу муносабат билан яқинда Меҳнат наشريетида Қор-Низой номдаги Республика Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти

"Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси ва имлоси таълими" бўлимининг муллари, доцент Суннатилла Ризаевнинг "Кесма ҳарфлар" (Лотин эзувидаги ўзбек алифбоси) қўланмаси ҳамда "Ўзбекистон" нашриети томонидан "Лотин эзувида асосланган ўзбек алифбоси" номли шлақати чоп этилди. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам 31 ҳарф ва 1 туғуқ белгиси мавжуд бўлиб, ўзбек алифбоси сирасидаги ҳар бир ҳарфга тегишли рангли расмлар ҳам ифода этилган.

Олимнинг бу муҳим ишлари нафақат болаларнинг синфлар учун, балки болалар боғчаларидаги катта гуруҳ тарбияланувчилари ҳамда лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбосини ўргатувчи кенг китобхоналар оммаси учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

М. КЎЧҚОРОВ.

ҚУЁШНИ КУЛДИРГАН КИЧКИНТОЙЛАР

Акмал Икромов туманидаги 394- "Ором" болалар боксчасида Наврўзга бағишлаб ўтказилган тантаная ана шундай номланди.

Маълумки, бу бочча кичкинтойлардан тузилган фольклор дастаси билан эди озғина тушган. Бочча муллари С.Қўчқоровнинг санъатта ошуфалиги туйғайиб бўлса керак, дастанинг доврғи кун сайин ортиб бораётди. Яқинда Г.Қўчқорова самарали меҳнати ва ташаббускорлиги туйғайиб "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.

Эрта тондан бочча босини шодиена тўлди. Қарнай-сурнай садоси тантаная бошлангандан дарак берди. Бу ерга меҳмонлар оқиб кела бошлади. Наҳорта тортилган ошининг кети узилмай "Қуешни кулдирган